Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сонли қарорига асосан Давлат солиқ қўмитаси томонидан оператор мақоми берилган **“Soliqservis”** ДУК мисолида янги **ҳисобварақ-фактура** шакллари ҳамда **ишончнома**, **товар транспорт юкхати**, **акт** ва бошқа ўзгаришлар тўғрисида

# ҚЎЛЛАНМА.

**Тошкент 2020 йил**

## МУНДАРИЖА

Soliqservis.uz тизимига кириш ва тизимнинг кўриниши................................. 3

Янги ҳисобварақ фактураларни тўлдириш тартиби ......................................3-7

Электрон ҳисобварақ-фактура шакли ва турлари........................................7-14

Янги ишончнома шакли ......................................................................... 12

Янги товар транспорт юкхати шакли.............................................................. 13

Бажарилган ишлар далолатномаси (АКТ) шакли........................................... 14

Филиал ва бўлинмалар........................................................................... 14

Созламалар бўлими.............................................................................. 15

Жисмоний шахсларга рухсат бериш бўлими ................................................. 16

**1)** Янги ўзгаришларни кўриш энг аввалом бор <u>Soliqservis.uz</u> сайтига кирамиз.

“Кириш” тугмасини босиб, электрон рақамли имзо билан орқали тадиқлаган ҳолда шахсий кабинетга киралади.




Шахсий кабинетни кўриниши.




## 2) Янги ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш тартиби.

ЭҲФнинг стандарт шакли товарлар ва хизматлар реализациясида фойдаланилади. Шунингдек, икки томонлама тасдиқланган ЭҲФлар сотувчининг ҚҚС ҳисоботининг 5-иловасида ва харидорнинг 4-иловасида ўз аксини топади.

1-устунда – товарлар (хизматлар) номи;

2-устунда – товар (хизмат) ўлчов бирликлари. Кўрсаткич мавжуд бўлмаганда устун тўлдирилмайди;

3-устунда – ўлчов бирлигидан келиб чиқиб реализация қилинган (кўрсатилган) товарлар (хизматлар) миқдори (ҳажми). Кўрсаткич мавжуд бўлмаганда устун тўлдирилмайди;

4-устунда – ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда товар (хизмат) ўлчов бирлигига тўғри келадиган нарх (тариф);

5-устунда – акциз солиғи ставкаси;

6-устунда – акциз солиғи суммаси;

7-устунда – реализация қилинган товарлар, кўрсатилган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) акциз солиғини қўшган ҳолдаги (ҚҚСсиз) қиймати;

8-устунда – ҚҚС ставкаси;

9-устунда – товарларни (хизматларни) сотиб олувчисига тақдим этиладиган ҚҚС суммаси.

ҚҚС тўловчилари ҳисобланмаган ёки реализация қилиш бўйича айланмаси ҚҚСдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилувчилар томонидан 9-устунда “Қўшилган қиймат солиғисиз” ёки “ҚҚСсиз” ёзуви қайд этилади;

10-устунда – реализация қилинган товарларнинг (хизматларнинг) ҚҚСни қўшган ҳолдаги жами қиймати.

Якунловчи сатрда – 7, 9 ва 10-устунлар бўйича суммалар жамланади.

Маркировкаланадиган товарлар реализация қилинганда ҳисобварақ-фактурада маркировкалаш коди кўрсатилиши шарт.




Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг савдоси ишлаб чиқарувчилар

ва савдо ташкилотлари томонидан келтирилган шаклда ҳисобварақ-фактура тақдим этган ҳолда амалга оширилади.

Ҳисобварақ-фактура қуйидаги тартибда тўлдирилади:

1-устунда – товарлар номи;

2-устунда – товарларнинг серияси;

3-устунда – товар ўлчов бирликлари;

4-устунда – дори воситаларни ёки тиббий буюмларни ҳар бир ўлчов бирлигига сотиб олиш нархи (базавий нарх) ёки сотишнинг асосий баҳоси (ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда);

5-устунда – асосий баҳодан ўсиб борувчи якун билан фоиз кўринишидаги савдо қўшимчаси (устамаси). Агар бир нечта улгуржи савдо ташкилотлари дори-дармон ва тиббий буюмларни етказиб беришда иштирок этаётган бўлса, савдо қўшимчаси (устамаси) умумий ҳолда аниқланади;

6-устунда – ўлчов бирлигидан келиб чиқиб миқдор (ҳажм);

7-устунда – ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда савдо қўшимчасини (устамасини) ҳисобга олган ҳолда товарнинг нархи;

8-устунда – реализация қилинган товарлар, кўрсатилган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) акциз солиғини қўшган ҳолдаги (ҚҚСсиз) қиймати.

9-устунда – ҚҚС ставкаси;

10-устунда – товарлар сотиб олувчисига тақдим этиладиган ҚҚС суммаси.

ҚҚС тўловчилари ҳисобланмаган ёки реализация қилиш бўйича айланмаси ҚҚСдан озод этиладиган товарларни реализация қилувчилар томонидан 10-устунда “Қўшилган қиймат солиғисиз” ёки “ҚҚСсиз” ёзуви қайд этилади;

11-устунда – реализация қилинган товарларнинг ҚҚСни қўшган ҳолдаги жами қиймати;

якунловчи сатрда – 8, 10 ва 11-устунлар бўйича суммалар жамланади.

Маркировкаланадиган товарлар реализация қилинганда ҳисобварақ-фактурада маркировкалаш коди кўрсатилади.




Воситачи комитентнинг манфаатида воситачилик хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ шартнома асосида товарлар (хизматлар) реализация қилинганда воситачи (ишончли вакил) томонидан сотиб олувчига (комитентга) стандарт шаклдан келиб чиққан ҳолда расмийлаштирилади келтирилган шаклдаги ҳисобварақ-фактура шаклларининг жадвал қисми 1-устунидан аввал 1а-“Комитентнинг (Етказиб берувчининг) номи”, 1б-“Комитентнинг (Етказиб берувчининг) СТИРи”, 1в-“ҚҚС рақами” қўшимча устунларни киритган ҳолда ҳисобварақ-фактура тақдим этиши шарт.

Товарлар (хизматлар) комитентнинг топшириғи асосида реализация қилинганда воситачи ўзининг номидан икки нусхада ҳисобварақ-фактура

тақдим этади. Бунда “Етказиб берувчи” сатрида қўшимча равишда “Воситачи” сўзи кўрсатилади. Ҳисобварақ-фактуранинг 1а, 1б, 1в - устунларида мос равишда комитентнинг номи, СТИР ва ҚҚС рақамини кўрсатади.

Товарларни (хизматларни) топшириқ шартномаси бўйича реализация қилишда ишончли вакил сотиб олувчи номига топшириқ берувчи номидан ҳисобварақ-фактура тақдим этади. Ҳисобварақ-фактурада топшириқ берувчи ва сотиб олувчининг реквизитларидан ташқари ишончли вакилнинг реквизитлари ҳам кўрсатилиши лозим. Ҳисобварақ-фактура уч нусхада тақдим этилади. Биринчи нусха сотиб олувчига, иккинчиси топшириқ берувчига юборилади, учинчиси ишончли вакилда сақланади.

Комитентга (топшириқ берувчига) тегишли товарлар (хизматлар) реализациясини амалга оширувчи воситачи (ишончли вакил), ушбу товарлар (хизматлар) сотиб олувчисига тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларни тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар ҳисоби журналида сақлайди. Кўрсатиб ўтилган ҳисобварақ-фактураларга тартиб рақамлар воситачи (ишончли вакил) томонидан хронологик тартибда берилади. Бунда мазкур ҳисобварақ-фактуралар Сотиш реестрида рўйхатдан ўтказилмайди ва воситачи (ишончли вакил) томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС суммаси ҳисоблаб чиқарилмайди.

Товарларни (ишларни, хизматларни) топшириқ шартномаси бўйича ишончли вакил орқали олишда топшириқ берувчи учун сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш учун асос бўлиб топшириқ берувчи номига сотувчи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактура ҳисобланади.

Воситачилик шартномаси бўйича комитент учун товарлар (хизматлар) олинаётганда сотувчи ҳисобварақ-фактурани воситачининг номига тақдим этади.

Воситачи комитент учун сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича комитентга сотувчидан олинган ҳисобварақ-фактурадаги кўрсаткичларни акс эттирилган ҳолда у томонидан тақдим этиладиган хронологик тартибда рақамланган ҳисобварақ-фактура тақдим этади (сотувчидан олинган ҳисобварақ-фактурани ўз номидан комитент номига қайта тақдим этади). Бунда “Етказиб берувчи” сатрида қўшимча равишда “Воситачи” номи кўрсатилади.

Ҳисобварақ-фактуранинг 1а, 1б, 1в - устунларида мос равишда товарларни (хизматлар)ни етказиб берувчисининг (сотувчининг) номи, СТИР ва ҚҚС рақамини кўрсатади.




3) **Янги ҳисобварақ-фактура шакли ва турлари:**




**-Стандарт**

Бу ЭҲФ тури анъанавий тарзда тўлдирилади ва янгидан расмийлаштирилаётган товарлар ва хизматлар реализациясида қўлланилади.







**-Қўшимча**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 257-моддасига мувофиқ солиқ базасига уни камайтириш ёки кўпайтириш тарафга тузатиш киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар (хизматлар) бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Солиқ тўловчида солиқ базасига тузатиш киритиш товарларга (хизматларга) ҳақ тўлаш бўйича мажбурият Солиқ Кодекснинг 313-моддасига мувофиқ умид қилиб бўлмайдиган қарздорлик деб эътироф этилганда ва уни ҳисобдан чиқариш лозим бўлган ҳолларда ҳам амалга оширилади. Бундай ҳолда тузатиш киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Солиқ базасига тузатиш киритиш (салбий ёки ижобий) қўшимча ҳисобварақ-фактура ёки Солиқ кодекси 257-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар

асосида ва 257 модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар рўй берган солиқ даврида амалга оширилади.

Солиқ базаси хатоларни тузатиш натижасида ўзгартирилган тақдирда, шунингдек илгари ёзиб берилган ҳисобварақ-фактурага ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш зарур бўлганда бу қоидалар қўлланилмайди. Бундай ҳолда илгари ёзиб берилган ҳисобварақ-фактура бекор қилинади ва унинг ўрнига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузатилган ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади.

Товарларни (хизматларни) етказиб берувчи томонидан солиқ базасига тузатиш киритиш амалга оширилаётганда, харидор етказиб берувчи томонидан расмийлаштирилган қўшимча ҳисобварақ-фактура асосида илгари ўзи ҳисобга олиш учун қабул қилган солиқ суммасига тегишли тарзда тузатиш киритади (кўпайтиради ёки камайтиради).

Қўшимча ҳисобварақ-фактура қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

ҳисобварақ-фактура қўшимча эканлиги тўғрисида белгини;

қўшимча ҳисобварақ-фактуранинг тартиб рақами ва ёзиб берилган санаси;

тузатиш киритилаётган ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси;

нархларга тузатиш киритиш миқдори (ижобий ёки салбий), етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолдаги қиймати




**-Харажатларни қоплаш**

Ижара шартномасига мувофиқ қиймати ижарага олувчи томонидан қопланиши лозим бўлган коммунал хизматлар, электр энергияси, алоқа хизматлари учун ижарага берувчи томонидан тўланган (тўланиши лозим бўлган) суммалар ижарага берувчининг харажатлари ҳисобланмайди ва ушбу хизматлар бўйича ҚҚС суммаси ижарага берувчи томонидан ҳисобга

олинмайди. Ижарага олувчидан коммунал хизматлар, электр энергияси, алоқа хизматлари истеъмоли учун олинган қоплаш суммаси ижарага берувчининг даромади ҳисобланмайди.

Ижара шартномасига мувофиқ киймати ижарага олувчи томонидан қопланиши лозим бўлган электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматлари учун ижарага берувчи томонидан тўланган (тўланиши лозим бўлган) суммалар ижарага берувчининг харажатлари ҳисобланмайди ва ушбу хизматлар бўйича ҚҚС суммаси ижарага берувчи томонидан ҳисобга олинмайди. Ижарага олувчидан электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматлари истеъмоли учун олинган қоплаш суммаси ижарага берувчининг даромади ҳисобланмайди.



**-Тўловсиз**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан у ваколат берган ташкилотлар орқали тақсимланадиган, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор гуруҳларига тиббий ва (ёки) ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-қувватлаш, табиий офатлар, фалокатлар ва ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа фавқулотда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикасига аниқ мақсадли беғараз кўмаклашиш солиқ солиш мақсадида инсонпарварлик ёрдами деб эътироф этилади.



Янги ҳисобварақ-фактура **(бир тамонлама)** шакли.

Бир томонлама ҳисобварақ-фактуралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 522-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 18-бандига асосан расмийлаштирилади. Товарларни (хизматларни) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган жисмоний шахсларга реализация қилишда товарларни (хизматларни) сотувчи томонидан шакллантирилган ЭҲФ унинг электрон рақамли имзоси билан бир томонлама тасдиқланади. Бунда ЭҲФ бир ойда бир марта ҳисобот ойининг охирги санаси билан расмийлаштирилади.



Янги ҳисобварақ-фактура **(хизматлар импорти)** шакли.

Хизматлар импорти жараёнида маълумотлар автоматик тарзда ҚҚС ҳисоботининг 4-иловасига келиб тушишини таъминлаш мақсадида бир томонлама ЭҲФ расмийлаштирилиши белгиланган. Бунда қўшимча равишда хизматларни амалга оширувчининг номи, манзили, унга хизмат кўрсатадиган банк ва банк ҳисоб рақами кўрсатилиши лозим. Хизматлар импорти бўйича бирламчи ҳужжатлар корхонанинг бухгалтерия хизмати бўлимида сақланиши ва ваколатли органларнинг сўровига кўра тақдим этилиши лозим.




Янги ҳисобварақ-фактура **(хизматлар экспорти)** шакли.

Хизматлар экспортида божхона юк декларацияси ва бошқа шу каби ҳужжатлар расмийлаштирилмаганлиги учун бир томонлама ЭҲФнинг расмийлаштирилиши корхонанинг барча реализацияларини тўлиқлигини таъминлашда хизмат қилади.



## 4) Янги ишончнома шакли.

Ишончнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2003 йил 7 майда 62-сон билан тасдиқланган (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 1245*) Товар-моддий қийматликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилади. Шунингдек, электрон ишончноманинг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги ва “Электрон ҳужжат алмашинуви тўғрисида”ги қонунларни келтириш мумкин.

Электрон ишончнома харидор томонидан шакллантириб юборилади ва биринчи бўлиб ишончли вакил жисмоний шахснинг шахсий кабинетига келиб тушади. Ишончли вакил электрон рақамли имзо билан электрон ишончномани тасдиқлагандан сўнг сотувчининг шахсий кабинетига келиб тушади. Кейинги боқич сифатида электрон ишончномани рад қилиш, қабул қилиш ва у асосида ЭҲФ яратиш мумкин. ЭҲФ яратиб юборилгандан сўнг у биринчи навбатда ишончли вакилнинг шахсий кабинетига келиб тушади ва тасдиқлангандан сўнг харидорнинг шахсий кабинетида имзоланган ҳолда кўринади. Агар ишончнома қоғоз шаклида келтирилган бўлса, уни ҳам киритиш мумкин, аммо бунда ЭҲФ тўғридан –тўғри харидорнинг шахсий кабинетига келиб тушади.






## 5) Янги товар транспорт юкхатининг шакли.

Товар-транспорт юк хати юк ташувчи корхона томонидан тўлдирилади. Агар корхонанинг ўзи етказиб беришни амалга оширса, етказиб берувчи томонидан тўлдирилади.Товар-транспорт юк хатининг муълумотлари Транспорт вазирлиги билан келишилган ҳолда шаклланитирилган. Ва барча зарур маъламотларни киритишни тақозо қилади.











## 6) Бажарилган ишлар далолатномаси ёки (АКТ)нинг янги шакли.






## 7) Филиал ва бўлинмалар.

Корхона филиалларга эга бўлган ҳолатларда **my.soliq.uz** сайти орқали филиалларни қўшиши мумкин. ЭҲФ яратилаётган вақтда тегишли филиални танлаш орқали керакли ҳамкор билан ўзаро ҳужжат алмашинувини амалга лширилиши мумкин.



**8) Созламалар бўлими.** *(бу ерда фойдаланувчига керак бўлган бир қанча керакли функцияларни ишга тушириш ва ўчириш мумкин).*

Созланмалар бўлимида солиқ тўловчининг барча маълумотлари ўз аксини топган. Ва ўзига тегишли бўлган ўзгартиришга рухсат берилган маълумотларни ўзгартириш имконияти яратилган. Шунингдек, СМС ҳабарномани ёқиши ёки ўчириш мумкин. Ягар корхона комиссионерлик фаолияти билан шуғулланса, созламалар бўлимидан тегишли фукнцияни танлаш орқали тегишли шаклдан фойдаланиш мумкин. Ҳамда дори воситалари савдоси билан шуғулланувчи корхоналар ҳам тегишли шаклни танлаш орқаби ушбу шаклдан фойдаланиши мумкин.



9) **Жисмоний шахсларга рухсат бериш.** *(Ушбу тизимда маълум бир шахсга тегишли даражада фойдаланиш учун рухсат берилади)*

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ корхона номидан электрон ҳужжатларни имзолашга ҳуқуқ берилиши мумкин. Бунда корхонанинг бош офиси ва омборхонаси бир-биридан узоқда жойлашган ёки уларнинг сони кўп бўлган ҳолатларда бу функциядан фойдаланилади. Бу функциялардан фойдаланиш жараёнида электрон ҳужжатларни қабул қилиш ёки юбориш ҳуқуқи берилиши мумкин.

